

---

## ФАРҶОНА ВА БАТКЕН ВИЛОЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ РИШТОН, СӢХ, ШОҲИМАРДОН ҲАМДА ҚУВАСОЙ ҲУДУДИДАГИ ЧЕГАРА НАЗОРАТ-ЎТКАЗИШ ПУНКТЛАРИДА БӢЛДИЛАР

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, вилоят ИИБ бошлиғи Азизбек Икрамов, вилоят чегара ва божхона тизимлари раҳбарлари Қирғиз Республикасининг Баткен вилоятида бўлиб, Баткен губернатори Абдиқарим Алимбаев бошчилигидаги қўшни вилоят расмийлари билан учрашдилар, Риштон, СӢх, Шоҳимардон ҳамда Қувасой ҳудудидаги чегара назорат-ўтказиш пунктларида бўлдилар.

Баткен вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашув давомида икки давлат раҳбарининг юксак сиёсий иродаси ва эзгу ташаббуслари туфайли азалдан тили ва дини бир, анъаналари ва урф-одатлари муштарак қардош қўшни давлатлар билан муносабатлар илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада мустақамланаётгани алоҳида таъкидланди, ўртадаги чегаралар дўстлик чегараси бўлиб қолиши кераклиги қайд этилди.

Икки вилоят раҳбарларининг тор ва кенгайтирилган доирадаги учрашувларида Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий-гуманитар, маданий, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Чегара назорат-ўтказиш пунктларидаги ўрганишлар давомида фуқаролар ва транспорт воситаларини ўтказиш билан боғлиқ мавжуд ҳолат батафсил кўздан кечирилди, аҳоли вакиллари билан мулоқот қилинди. Хизматлар сифатини янада яхшилаш устида ҳамкорликда иш ташкил этишга келишилди. Икки вилоят вакиллари, Водилдан Шоҳимардонгача бўлган оралиқдаги Қирғизистон ҳудудидаги йўлни янгидан сифатли асфальтлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан ҳам танишдилар.

СӢх туманида Тул чегара назорат-ўтказиш пунктида жойлашган “Дўстлик” кўприги икки вилоят раҳбарлари ҳамда аҳоли вакиллари иштирокида тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Таъмирталаб ҳолатга келиб қолган 72 метр узунликдаги ушбу кўприкни реконструкция қилиш учун Қирғизистон томонидан қарийб 300 минг доллар маблағ сарфланди.